

ЁЛҒОНЧИЛИКНИНГ МАҚОЛЛАРДА ҚОРАЛАНИШИ

С. Ю. Нишанов

ТДПУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

В статье ложь трактуется как отрицательная черта личности. Теоретически анализируются пословицы, которые являются одними из шедевров фольклора.

ABSTRACT

In the article, lying is interpreted as a negative personality trait. Proverbs and proverbs, which are one of the masterpieces of folklore, are also theoretically analyzed.

Ҳаётимиз давомида ҳар биримиз кимларнидир алдаганмиз, кимларгадир алданганмиз. Алдовлар, алданишлар асосида инсоннинг ҳаётий зарурат туфайли, ўзини ҳимоя қилиш учун ёлғон ишлатиши ётади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, инсон 10 минутлик нутқи давомида 3 марта ёлғон ишлатар экан.

Дарҳақиқат, ёлғончилик муқаддас динимизда қораланадиган кабира гуноҳлардан биридир. Одатда ёлғони билан танилган кишилар ҳеч бир жамиятда қадр топмаган. Ҳақиқатдан ҳам, бор нарсанинг тескарисини хабарини олиб келишлик бу - ёлғончиликдир. Бир куни саҳобалар Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашди: "Эй Аллоҳнинг Расули, мўмин одам бахил бўлиши мумкинми?". Пайғамбаримиз: "Ҳа бўлиши мумкин", дедилар. Яна улар: "Эй Аллоҳнинг Расули, мусулмон одам қўрқоқ бўлиши мумкинми?". Пайғамбаримиз: "Ҳа қўрқоқ ҳам бўлади", дедилар. Саҳобалар: "Эй Аллоҳнинг Расули, мусулмон одам ёлғончи бўладими?". Пайғамбар алайҳиссалом: "Йўқ", деб жавоб бердилар.

Аслида бахиллик билан қўрқоқлик битта бўлганида ҳам, гуноҳи ёлғончичалик бўлмайди. Наҳл сурасининг 105-оятда Аллоҳ таоло шундай деб хабар беради: "Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқурлар. Ана ўшаларнинг ўзлари

ёлғончидирлар". Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мўмин киши хиёнат, ёлғончиликдан бошқа барча хислатларга тобеъ бўлади", деганлар. Мазкур ҳадиси шарифни уламоларимиз қуйидагича таҳлил қиладилар: "Мўмин кишида хиёнаткорлик ҳамда ёлғончилик хусусиятларининг мавжуд бўлишлиги унинг мўминлик табиатига хилоф ишдир, мусулмон киши бундай хулққа эга бўлмайди. Аммо шундай бўлса-да мазкур салбий хусусиятлар инсон табиатига хилоф эмасдир, инсоний хилқатда бу каби иллатлар учраб туради. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қачонки бир банда ёлғон гапирса, фаришта у гапнинг сассиклиги учун у бандадан бир мил масофага узоқлашади", дедилар. Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 116-оятида шундай деб марҳамат қилади: "Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиш учун тилларингизга келган ёлғонни гапириб, бу ҳалол, бу ҳаром деманглар. Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқувчи кимсалар ҳеч қачон нажот топмаслар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Мунофиқлик белгиси учта: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир". Аллоҳ наздида энг яхши гап - рост гапиришдир. Бошқа бир ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: "Туноҳларнинг энг каттаси Аллоҳга ширк келтирмоқлик, ноҳақ қон тўқмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик ва ёлғон гувоҳлик бермоқлик", деганлар. Демак, гапларнинг энг ёмони бу - ёлғончиликдир. Ҳаттоки, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Насиҳатимиз шуки, оталар ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўймасинлар. Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга. Ёлғончилик бузуқликка бошлайди, бузуқлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга эса ёмон баҳо берадилар. Ростгўй одам чин сўзи билан бориб-бориб Аллоҳ ҳузурида сиддик яъни сўзига содиқ деб ёзиб қўйилади. Ёлғончи ҳам бориб-бориб Аллоҳнинг ҳузурида каззоб яъни ёлғончи деб ёзиб қўйилади. Лекин ёлғон, ёлғончилик салбий хислат эканлиги қадим-қадимдан халқ оғзаки ижодида, жумладан мақол ва маталларда ўз аксини топган.

Жумладан, “Ёв макрини ёлғон яширар”, “Ёлғон айтган кишининг Хатари бор ишининг”, “Ёлғон айтиб фойда кўрсанг, Охири зарар топарсан. Рост айтиб зарар кўрсанг, Охири фойда топарсан” каби мақолларда ёлғоннинг зарари, инсон ўз фаолиятида ёлғон ишлатиб ҳеч қачон фойда кўрмаслигини, ёлғон аралашган жойда ҳеч қачон унум бўлмаслиги, бу иш ҳар қачон хавфли эканлиги таъкидланади.

Шу билан бир қаторда ёлғон шунчали қабих, салбий сифат сифатида қораланади: “Ёлғон гапириб яшагандан рост гапириб ўлган яхши. Ёлғон гапнинг чуви чиқар. Ёлғон етмиш йил ерда ётса ҳам, Ёлини чиқар”. Юқоридаги мақолларда ёлғончининг ёлғони бир кунмас бир кун барибир оммага маълум бўлади, шунинг учун иложи борица ёлғонни ишлатмаслик зарурлигига ишора қилинади. Шунингдек ёлғоннинг кимгадир, ё фарзандга, ё давлатга зиёни тегиши мумкинлиги ҳақида ҳам огоҳлантирилади: “Ёлғон ё фарзандга урар, ё — давлатга. Ёлғон ёндира, ҳақиқат қондира. Ёлғон ростдан енгилар, тўғри элда танилар. Ёлғон узоққа кетса ҳам, ҳақиқат қувиб етар”. Юқоридаги мақолларда ёлғоннинг умри қисқалиги, ҳақиқат, адолат ҳар қачон ғалаба қозониши айтиб ўтилади. “Ёлғон уялтирар, рост суюнтирар. Ёлғон-яшиқ гапирма, сўнг уялиб ўтирма. Ёлғонга ё ялқов инонар, ё — анқов. Ёлғоннинг бутунидан ростнинг синиги афзал. Ёлғоннинг умри — қисқа” каби мақолларда ёлғон гапирган инсон уялиб қолиши, ёлғонга унча мунча одам ишонмаслиги, ёлғон тезда билиниб қолиши ҳақида фикрлар умумлаштирилган. “Ёлғончи гавҳарни хор қилар. Ёлғончи ёлчимас, ўғри бойимас. Ёлғончи ёрилиб ўлар. Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас. Ёлғончи лоп этар, яламачи қон этар. Ёлғончи тўрга бир ўтар, иккинчи ўтмас. Ёлғончи чин деяолмас, чин деса ҳам, эл инонмас. Ёлғончи ялаб айтар, яламачи — ясаб. Ёлғончи ўликни гувоҳ тортар. Ёлғончи — қаллоп, ўғри — аллоп. Ёлғончи ҳоримас, ўғри қаримас. Ёлғончига ишонч йўқ. Ёлғончига тонг отмас” каби мақолларда ёлғончи ёмон инсон эканлиги, энг қадрли инсонларни ҳам хор қилиши мумкинлиги, унинг ҳеч нарсага ёлчимаслиги, қанча ёлғон ишлатсада чарчамаслиги, унинг ёлғонига ишонмаслик кераклигига ишора қилинади.

Комил инсон доимо тўғри сўзлаши, имкор қадар ёлғон ишлатмаслик зарурлигига қуйидаги мақолларда ишора қилинади: “Ёлғончига қўшилма, тўғри сўзинг яширма. Ёлғончида ор бўлмас, тўғри сўзли хор бўлмас. Ёлғончидан шон қолмас, номидан нишон қолмас. Ёлғончининг гувоҳи ёнида юрар. Ёлғончининг гувоҳи — қасам. Ёлғончининг ёнидан ўтма, ростгўйнинг ёнидан кетма”.

Имкор қадар ёлғончилардан узоқроқ юриш, уларга қўшилмаслик, хатто унинг олдида ҳам ўтирмаслик зарурлигига ишора қилинади. Шунингдек, бошқалар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун инсон ёлғон гапирмаслиги лозимлиги ўқтирилади: “Уялмай десанг, ёлғон гапирма. Хашакдан хашам бичма, Ёлғондан қасам ичма”. Ёлғондан қасам ичиб бошқаларни ишонтириш энг хунук, салбий ҳулқ-атвор сифатида қораланади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, ёлғон сўзлаш ёки ёлғон гувоҳлик бериш Ислом динида ва мақол ва маталларда қатъий қораланади. Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор. Ёлғоннинг жамиятга ҳам, шахсга ҳам зарари шунчалар кўпки, буларни санаб тугатиш қийин. Ёлғон уни гапирган одамни кўпчилик орасида шармандаи шармисор қилади, гапининг субути қолмайди, ёлғон узоқни яқин, яқинни узоқ қиладиган саробдир. Ёлғон ақл ўғрисидир, ёлғон кишининг дин ва диёнатини бузади.

REFERENCES

1. Нишанов С.Ю. Психология вранья человека, место, время и микровыражения. // *Psixologiya*. 2021. №1. Б. 161-165.
2. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari/page/3/>
3. <http://www.muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item/9539-jol-onchilik-ulkan-guno-dir>
4. Основные современные концепции творчества и одаренности. /Под ред. Богоявленской Д.Б. – М., 1997.
5. Умарова, Н. Ш. (2021). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1225-1233.
6. Umarova, N. S. (2019). Economic socialization of the individual in the context of age periods. *Bulletin of Science and Education*, (22-3 (76)).
7. Умарова, Н. Ш. (2021). СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СПОРТИВНОЙ МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.
8. УМАРОВА, Н. (2020). СПОРТЧИЛАРНИ ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ИРОДА КУЧИНИ НАМОЁН БЎЛИШНИНГ ТЕМПЕРАМЕНТАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Фан-Спортга*, (3), 42-44.
9. Умарова, Н. Ш., & Каримова, В. М. (2020). ШАХС ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ПУЛГА БЎЛГАН УСТАНОВКАЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ. *Science and Education*, 1(Special Issue 4), 51-63.
10. Умарова, Н. Ш. (2019). Экономическая социализация личности в контексте возрастных периодов. *Вестник науки и образования*, (22-3 (76)), 60-64.
11. Atabaeva, N. B. (2019). Psychological factors affecting the development of altruism in humans. *Central Asian Journal of Education*, 3(1), 98-119.
12. Атабаева, Н. Б. (2018). Психологические особенности проявления альтруизма у детей. *Вестник интегративной психологии*, 27-30.

13. Taskarevna, N. Z., Yuldibaevna, B. G., Batirovna, A. N., & Ziyodullayevna, J. D. (2020). National features which are necessary to be developed in a person. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(6), 548-564.
14. Атабаева, Н. Б. (2020). The formation of altruism as a national feature in students. In *Актуальные проблемы психологии и педагогики в современном образовании* (pp. 176-177).
15. Атабаева, Н. Б. (2020). ДИНАМИКА РАЗВИТИЯ АЛЬТРУИЗМА КАК НАЦИОНАЛЬНОЕ СВОЙСТВО У МОЛОДЁЖИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 37-40).
16. Atabaeva, N. B. (2019). THE GENDER DIFFERENCES OF ALTRUISM BUILDING UP IN A PERSON. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 168-172).
17. Абдуллаева, Д. У. (2021). Психокоррекция во взаимоотношениях матери и подростка. *Наука и образование сегодня*, (4 (63)), 114-115.
18. Ubaydullayevna, A. D. (2019). IMAGINATIONS OF MOTHER ABOUT WOMAN SOCIAL ROLES AS A FACTOR OF ATTITUDES TOWARDS CHILDREN. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 7(12).
19. Абдуллаева, Д. У. (2018). ДЕТСКО-РОДИТЕЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ КРЕАТИВНОСТИ ДЕТЕЙ. In *Развитие интеллектуально-творческого потенциала молодежи: из прошлого в современность* (pp. 335-336).
20. Абдуллаева, Д. У., & Маткаримова, Н. Б. (2017). ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ПСИХОЛОГА-ПЕДАГОГА В ИНФОРМАЦИОННОЙ СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ СИТУАЦИИ XXI ВЕКА. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (6-2), 127-130.
21. Абдуллаева, Д. У. (2016). Взаимодействие психолог-педагог: от парадигмы исследования к парадигме обеспечения. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (5-4), 11-13.
22. Абдуллаева, Д. У. (2016). СУЩНОСТИ И ЗАКОНОМЕРНОСТИ ПРОЦЕССА СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (5-6), 64-66.
23. Махмудова, Д. А. (2017). ОСОБЕННОСТИ ПСИХОТЕРАПЕВТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ПРИ РАБОТЕ С ЖЕРТВАМИ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ. *Наука и мир*, 2(5), 96-97.

24. Махмудова, Д. А., & Зуфарова, М. Х. (2016). ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ПСИХОТЕРАПИИ ПРИ РЕАБИЛИТАЦИОННОЙ РАБОТЕ С ЖЕРТВАМИ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ. *Наука и мир*, 3(1), 130-132.
25. Махмудова, Д. А., & Зуфарова, М. Х. (2016). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАБОТЫ С НЕВРОЗАМИ У ДЕТЕЙ. *Наука и мир*, 3(6), 41-42.
26. Эгамбердиева, Н. М., & Махмудова, Д. А. (2013). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОЩУЩЕНИЯ СЧАСТЬЯ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ В УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. *SCIENCE AND WORLD*, 77.
27. Махмудова, Д. А. (2013). ОСОБЕННОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ РАБОТЫ С ЖЕРТВАМИ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ. *SCIENCE AND WORLD*, 116.
28. Kurbanova, F. K. (2022). METHODS OF DEVELOPING INTERCULTURAL COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS IN THE CONDITION OF TEACHING A FOREIGN LANGUAGE. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(2), 202-213.
29. Kurbanova, F. (2021). PECULIAR FEATURES OF ENGLISH AND UZBEK SPEECH ETIQUETTE. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 1850-1855.
30. Kurbanova, F. K. (2020). LANGUAGE UNITS DENOTING CULTURAL FEATURES OF A NATION. *Academic research in educational sciences*, (3), 980-984.
31. Реджабаева, М. З., Махмудова, Д. А., & Газиханова, Ш. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОКАЗАНИЯ КОМПЛЕКСНОЙ ПОМОЩИ ОДАРЕННЫМ ДЕТЯМ.